# МУШОҲАДА

№ 4 (16)

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари жамоатчилик редакциясининг ойлик нашри

1989 йил, апрель

Дўстлик—табаррук туйғу

## «Кўздан кўру дилдан бил»

ЎЗБЕК донолигида бир ибрат бор: «Гиламингни қўшнингга сот, бир чеккасида ўзинг ўтирасан». Бу нақл замирида жуда катта мазмун уйғунлашган. Зеро узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни афзал. Биз неча ўнлаб асрлар давомида икки азим дарё бўйларида деҳқончилик қилиб, Мирза ва Батпақ дала чўлларида, Оқмулла қирларида ёнма-ён пода ҳайдаганмиз, Боботоғ, Помир ва Тянь-Шан тоғларида овга тузоқ қўйганмиз. Қозоқ қизини олиб қочган қирғиз ўзбек куёвини доимо ардоқлаб юрган, ўтмишда ҳеч қачон расмий чегара билмаган туркман тожикни тилло тожим деб ҳали-ҳанузгача бошга кўтариб келаяпти. Биз ҳамиша таржимонсиз, имо-ишорасиз ҳар биримиз ўз тилимизда бир-биримизни қадим-қадимлардан яхши тушуниб, дўст тутиниб келганмиз.

Ҳа, биз азал-азалдан қуда-қайим, ерлари каби қалблари ҳам бир-бирларига туташ халқлармиз. Тўғри, турғунлик замонасида ҳиссиётларимиз бирмунча топталди, ҳам руҳан, ҳам жисмонан азоб чекдик. Бироқ ўша йилларда ҳам азалардаги ҳамдардлигимиз, тўйлардаги тўёналаримиз баҳридан кечганимиз йўқ.

Инқилобнинг дастлабки йилларида эрк нашидасидан тўлқинланган халқларимиз ўртасидаги ўша «борди-келдиларнинг» ҳозир яна йўлга қўйилганлиги ҳаммамизга беқиёс шоду-хуррамлик бахш этади. Ҳукуматларимиз раҳбарларининг яқингинада муштарак корхоналар вужудга келтириш юзасидан бир даврада ўтириб, олиб борган мунозара-музокараларининг ўзи Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикалари ўртасидаги амалий мулоқотларнинг янада камол топишидан далолатдир. Дўстни бошингга кулфат тушганда сина, дейдилар. Замин кўчуви тожик қишлоқларини вайрона қилганлиги тўғрисидаги шум хабар барча ўзбеклар қалбини зир титратди, биз ҳамдардликкина билдириб қолмай, қардошлар орасида биринчи бўлиб эртаси куниёқ ёрдамга шошилдик. Яқинда қўшни туркман вакилларини ўзбекнинг қадимий музофоти—Бухоро тупроғидаги кутиб олиш тантаналарининг илиқ ҳовури ҳали ҳам қалбларимиздан кўтарилганича йўқ.

Буюк қозоқ адиби Абайнинг «Дўстлик тили — унсиз тил, кўздан кўру, дилдан бил» деган сатрлари бу нодир, табаррук туйғу ҳамиша қалб тўрида ардоқланишидан, унга сохталик, қуруқ ваъзхонлик бегона эканлигидан башоратдир.

Биз—қўшнилармиз, қардошлармиз. Бутун ер курраси инсониятнинг умумий уйига айланиб бораётган бир пайтда қўшнилараро амалий алоқалар реал изга кўчмоғи, ҳамкорликнинг ҳаммага тенг манфаатдорлиги тағин ҳам кучаймоғи лозим.

Ҳеч кимга сир эмаски Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон сув бўлса тупроғида косов кўкариши мумкин бўлган республикалардир. Шундай экан, шу қардош учта диёр майдонларида сабзавот, мева ҳамда полиз маҳсулотлари етиштиришни кўпроқ йўлга қўйиш, шу асосда фақат қозоқ ва қирғиз дўстларимизнигина эмас, мамлакатимизнинг шимол ўлкаларини ҳам шу маҳсулот билан тўла таъминлаш мумкин.

Демоқчиманки, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ҳам регион иқлим ва тупроқ шароитига қараб табақалаштириш йўлга қўйилса, иқтисодий жиҳатдан ниҳоятда катта наф кўрган бўлур эдик. Бунинг учун Қозоғистон ва Қирғизистон зоналарида асосий эътибор чорвачилик маҳсулотлари ҳамда картошка ва пиёз етиштиришга қаратилиб, иссиқ иқлимга хос экин ва мевалар Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистонда кўпроқ етиштирилмоғи лозим. Ана шу мақсадга эришмоқнинг асосий йўли қардош бешта республика қишлоқ хўжалигида муштарак агрофирмаларни вужудга келтиришдан иборатдир.

Муштарак корхона ва агрофирмалар қўшнилар ўртасидаги қадимий дўстликни янада мустаҳкамлабгина қолмай аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини ҳам янада тўлароқ қондириш имконини беради. Энг муҳими, ўзаро алоқаларимиз тағин ҳам мустаҳкамланади.

Қирғиз нақлида шундай дейилади: «Дўст дўстга кулиб боқса, ариқда сув ўрнига сут оқади». Дарҳақиқат, ўзбек, қозоқ, тожик, туркман ва қирғиз халқларининг ҳамкорлиги эркин иттифоқимизда қардошликнинг амалий намунаси бўлиб қолмоғи лозим.

**М. ЕДГОРОВ,**
**Тошкент Давлат университети иқтисод кафедрасининг ўқитувчиси.**



Ошкоралик одоби

## Бу—чўнтагимизга зарар-ку!

**Демократия ва ошкоралик софдил совет кишилари учун сув ва ҳаводек зарур. Негаки, биз эндиликда кўнглимиздаги гапларни рўй-рост ўртага ташлаб, қайта қуриш туфайли бўртиб чиққан муаммоларни баҳамжиҳат ҳал қилмасдан туриб жамиятимиз ҳаракатини тезлатолмаймиз. Афсуски, баъзи бировлар ортиқча ҳиссиётларга берилиб, айрим бадбин кишилар қўлида қўғирчоқ бўлиб қолмоқдалар. Оқибатда давлатимиз моддий жиҳатдан анчагина зарар кўрмоқда. Ахир Тбилисидаги воқеалар оқибатида берилган қурбонлар, ишлаб чиқариш маромининг бузилганлиги учун кимдир жавоб бериши кераккуʼ?**

**Халқимизда бир нақл бор: ҳўкизнинг шохига урилса, бутун бадани зириллайди. Бир шаҳарда корхоналар тўхтаб қолганлиги учун ишлаб чиқарилмаган маҳсулотлар бутун давлат экономикасига, қолаверса, ишчиларнинг чўнтакларига салбий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, шу хилдаги мақсадсиз намойишлар халқларимиз ўртасидаги бирликка озми, кўпми путур етказади. Шунинг учун ҳам мен СССР Олий Совети Президиумининг яқинда қабул қилган «Давлатга қарши жиноятлар учун жиноий жавобгарлик тўғрисида»ги қонунини ҳамда бошқа актларга баъзи ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисидаги Фармонини маъқуллайман.**

**Ошкоралик яхши, аммо унинг одоб доирасидан чиқиб кетишига биз асло йўл қўя олмаймиз. Мен бу гапни ўзбек ишчиларининг оддий бир вакили сифатида айтаяпман!**

**Раҳматжон НОДИРМАТОВ,**
**Тошкент шаҳар 3-босмахона ишчиси.**

**СУРАТДА: «Матбаа аълочиси» ўртоқ Р. Нодирматов.**
**Т. Каримов фотоси.**

## Газетхон: фикр билдирмоқчимиз!

### Ҳижрон— муҳаббатга имтиҳон



**Кўримсизгина бир инсон қалбининг бардош бобида метин, муҳаббатда зоғдай юмшоқ, ғам юкини кўтаришда фил белидан ҳам бақувват бўлиши мумкинлигини адиб Саид Аҳмад билан ўтказилган суҳбат мазмунидан билиб, худди пўлат оловда тоблангандай чин муҳаббат ҳам ҳижронда янада сайқалланишини энди англаб етдим.**

Мен ҳурматли ёзувчимизни ҳам, унинг рафиқалари, муҳтарама шоирамиз Саида опани ҳам кўрган эмасман, фақат уларнинг ҳикоя, шеър, романлари билан ошноман.

Мени ҳайратга солаётган нарса шуки, бу қадар даҳшатли ташвишлар гирдобида қолган адиб одамларни кулдириш учун кучни қаёқдан топа олди эканлар? Саида опа шеърларидаги нолани ҳам энди тушуниб етаётгандайман. Шунинг учун адибларимиз, олимларимизнинг реал ҳаёти билан биз, газетхонларни мунтазам таништириб бораётган жажжи газетамиздан ниҳоятда мамнунмиз. Агар мен санъаткор бўлганимда ана шундай иродали кишиларнинг мусаффо қалбларидан ҳайкал ясаб, энг серқатнов жойларга ўрнатиб қўйган бўлур эдим.

**Дилбархон ЎРИНОВА,**
**уй бекаси.**

### Қарс икки қўлдан



**Очиғини айтсам, Донобувамизнинг қуда-андачилик меҳр-оқибатлари ҳақидаги фикрлари айни кўнгилдаги гаплар бўлибди,—«Қудалар»ни кучли ҳаяжон билан ўқиб чиқиб, ана шу хулосага келдим.**

Битта арзимаган матоҳ учун келинига қўшиб ўғлини ҳам кўчага ҳайдаган ота қилмишларини қандай изоҳлаш мумкин, ахир? Шу отанинг фарзандлари ҳам анойи эмас дейишса, бунга ҳеч ким ажабланмайди, чунки катта арава қаердан юрса, кичиги ҳам унинг изига тушади.

Мен маҳалла фаолларидан бириман, яқиндагина бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Келин саломни унутгани учун қайнота ундан норози экан. Бунинг устига келин ҳамиша қовоғини солиб юрармиш. Шулар сабаб бўлиб, оилада совуқ шамол эса бошлабди. Бундан хабар топган қизнинг отаси дарҳол қудасиникига келиб, орадаги нохуш кайфиятни бартараф этишга киришган. Бўлиб ўтган суҳбатда биз ҳам иштирок этдик. Маълум бўлдики, келин ишдан чарчаб келар экан, бунинг устига болалар хархашаси, овқат пишириш, идиш-товоқ ювиш, эр кийим-бошини саришталаш дегандек, хуллас, чарчаган кўнгилга кулги сиғармиди. Устига устак, қайнатанинг қулоғи ҳам оғирроқ экан.

— Мен ҳеч саломни канда қилмайман,— дейди келин жилмайишга интилиб, — дадамлар яхши эшитмайдилар...

Шундай бўлса-да меҳмон қуда қайната ва эр олдида қизини койиган бўлди. Бундан ҳижолат чеккан оила аъзолари ўзларини қўйгани жой тополмай қолишди. Оқибатда оилада яна илиқ муносабат қарор топди.

Ҳа, қарс икки қўлдан, деб бежиз айтмаган халқимиз. Қудалар ҳамиша иноқ бўлмоқлари лозим. Бу — ёш оила тақдири учун ниҳоятда муҳимдир.

**Абдуфаттоҳ НАБИХЎЖАЕВ,**
**Киров районидаги «Янгиариқ» маҳалла комитетининг аъзоси.**

### Меҳмон— отангдан улуғ



**«Мушоҳада»нинг ўтган сонида чоп этилган «Аҳвол қалай, меҳмонлар?» сарлавҳали мақолани ўқиб халқимизга хос бир ажойиб фазилатни баъзиларга эслатиб ўтишни лозим деб топдим.**

Маълумки, меҳмон — отангдан улуғ, деган ғаройиб бир ҳикматимиз бор. Агар уйингизга биров келса, остонада қўлингизни кўксингизга қўйиб, самимий кутиб оласиз.

Афсуски, пойтахт меҳмонхоналарида ўзбек халқидаги шу мўътабар удумнинг кичикроқ заррасини ҳам тополмаймиз. Айниқса, «Россия», «Ленинград», «Дўстлик», «Тошкент» меҳмонхоналарида мижозларни менсимайгина қабул қилишади. Бизнингча, мутасадди ўртоқлар . меҳмонхоналар маъмуриятлари ходимларига одоб сабоғидан тез-тез дарс бериб туришса, чакки бўлмасди.

**Сафар РАҲИМОВ,**
**Янгиер районидаги «Ҳамза» совхози ишчиси.**

Жасоратнома

# 27-тирик!

ҚЎЛИМДА «ОГОНЁК» журналининг 1943 йил август сони. Унда ҳамюртимиз Олимжон ака Ортиқовнинг жангчи кийимида Я. Павлоцкий томонидан олинган расми тагида, жумладан, қуйидаги сўзлар ёзилган: «Ҳаракатдаги Армия, Ўрта Осиё Давлат университетининг собиқ студенти, жасур ўзбек жангчиси ўртоқ Олим Ортиқов Улуғ Ватан уруши фронтларида душманга қарши курашиб, 219 гитлерчини ўлдирди ва 10 тасини асир олди. Суратда: «Қизил Юлдуз» ордени ва «Жанговар хизматлари учун» медали ҳамда «Аълочи разведкачи» нишони билан мукофотланган жангчи-разведкачи ўртоқ Олим Ортиқов (ТАСС фотохроникаси)». Ўша пайтда Олимжон бор-йўғи 20 ёшда эди. Ҳа, дунёда абадий қоладиган нарса, донониниг сўзию, ботирнинг иши...

1944 йил март ойининг охирлари. Шонли Совет Армиясининг зафарли ҳужумлари бутун фронт бўйлаб давом этаётган кунлар. Корсун-Шевченко йўналиши Володарка қишлоғига навбатдаги резведка группаси жўнатиладиган бўлди. Шу қишлоқда душман штаби жойлашган, деган маълумот бўлиб, шуни тезликда аниқлаб, душманнинг навбатдаги режаларини билиш учун яна «тил» керак бўлиб қолди. Разведка йўлга чиқиб, икки кун деганда Володарка қишлоғига яқинлашди. Ўрмон оралаб тепалик томон юра кетишди, тўсатдан фашистлар қаршидан чиқиб қолишди. Одатдагидек, развекачиларда автомат, граната ва бошқа қуроллар бўлиб, улар дарров ётиб олишди. Олимжон ва Витя Хаткевич душман томонга граната иргитишди. Портлашдан сўнг фашистлар овози ўчди. Разведкага бош бўлган Олимжон группанинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида яшириниб атрофни кузата бошлади. Шу орада қаердандир снаряд учиб келиб Олимжон ёнида порлади. Олимжон бошқа ҳеч нарсани эслай олмайди...

Кўзини очса, госпиталда ётибди. Контузия бўлганини, 10 кун беҳуш ётганини, 28-куни тилга кириб, яна орадан 20 кун ўтгач эшита бошлаганини — ҳамма-ҳаммасини кейинчалик касаллик варақасидан ўқиб билиб олди. Хуллас, госпиталда икки ярим ойдан ортиқ даволанди.

Чамаси, бу орада дўстлари разведкадан қайтганларида Олимни чалажон ҳолатда Володаркада бир кампирнинг уйига ташлаб келдик, тириклигини билмаймиз, дейишибди. Разведкачилар излаб сафдошини тополмагач, комендатура бошлиғи, подполковник В. Попович «Жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлди» деган машъум «қора хат»ни уйига йўллашга мажбур бўлибди...

⊙

Апрель ойи бошларида Олимжон ака қуролдош дўстлари қатори Воронеж шаҳрида уюштирилган дўстлар учрашувига таклифнома олди. Бир группа ветеранлар ва собиқ разведкачи дўстлари билан Винница шаҳрига ўтди. Ниҳоят Тетиев шаҳрида бўлди. Ахир, шу ердан машъум «қора хат» Тошкентга жўнатилган эди-да. Энди бу шаҳар марказида Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганлар хотирасига ажойиб ёдгорлик қад кўтарган. Баланд мармар лавҳадаги 150 фамилиянинг 27-нчисига «Ортиқов Олим. 28 март 1944 йил» деб битилган ёзувни кўриб дўстлар ҳайратдан қотиб қолишди. Олимжон аканинг кўзларига ёш қалқиди. Ўша куни тетиевликлар хонадонлари ҳақиқий байрам тусини олди. Ахир, ҳамма қаҳрамонларча ҳалок бўлди, деб ўйлаган халоскорни соғ-саломат кўришдан ҳам ортиқ қувонч бўладими? Шу куниёқ шаҳар аҳли Олимжон аканинг фамилияси қаршисига зарҳал ҳарфлар билан «Тирик» деган ёзувни қайд этиб қўйишди. Олимжон акага эса «Воронеж озод қилинганига 30 йил», «Канев озод қилинганига 30 йил» медаллари топширилди.

Ҳозир жасур ўзбек разведкачиси, 5 орден ва 16 медаль кавалери азиз ҳамшаҳримиз Олимжон ака Ортиқов рафиқалари Мухтарамахон ая билан беш фарзанд ва 12 неварага бош қош. 1952 йилда Тошкент политехника институтини, кейин эса тўқимачилик институтини тугатдилар. Узоқ йиллар мобайнида енгил саноат министрлигига қарашли конструкторлик бюросида фидокорона меҳнат қилиб, эндиликда кексалик гаштини сурмоқдалар. Табиатан тиниб-тинчимас Олимжон ака бир неча йилдан бери Октябрь районидаги «Авангард» маҳалла комитетига раислик қилиб келмоқда. У ҳар Ғалаба байрамида собиқ қуролдошларидан ҳазиломуз мактублар олади, ҳаммаси бир савол билан бошланади:

— 27-нчи, тирикмисан?

**Дония ЗОКИРОВА,**
**матбаачи.**



*Гулми гул ё сизми гул, қизлар?*

Т. Каримов фотоэтюди.

Илтимосингизга мувофиқ

# Давлат тили нима?

**Ҳозир олимларимиз, партия ва совет органларининг ходимлари, ёзувчилар, ҳуқуқшунослар, ишчи, колхозчи ва бошқа жуда кўп тармоқларнинг мутахассислари давра суҳбатларида, матбуот, радио ва телевидениеда давлат тили юзасидан конкрет фикрларини ўртага ташлаб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида шу масала бўйича ташкил этилган махсус комиссияга амалий ёрдам беришга интилмоқдалар. «Мушоҳада»нинг айрим мухлислари эса бизга «Давлат тили нима?», деган савол билан мурожаат қилишаяпти:**

**КПСС Марказий Комитетининг «Политическое образование» журнали (1989 йил, 5-сони)да фалсафа фанлари доктори, профессор Э. Тодевосяннинг юқоридаги сарлавҳа остида мақоласи берилди. Редакциямизга тушаётган саволларга маълум даражада жавоб бериш ниятида мазкур мақоланинг қисқача баёнини газетхонлар эътиборига ҳавола қилаётирмиз.**

Сўнгги йилларда бу савол сиёсий ўқув системаси тингловчилари ва пропагандистларигина эмас, бутун жамиятимиз диққат-эътиборида турибди. Қизғин баҳсларнинг асосий боиси шундаки, тингловчи ва пропагандистларимиз справочник ва ўқув дарсликларининг бирортасида ҳам давлат тили муаммолари билан боғлиқ бўлган саволларга аниқ жавоб топишолмаяпти. Шу соҳанинг мутахассислари эса бу масалада ҳар хил ва ҳатто қарама-қарши позицияларни эгаллаб туришибди.

Очиғини айтганда, давлат тили муаммоси илмий социализм назария ва практикасида янгилик эмас. В. И. Ленин Октябрь революциясигача бўлган даврлардаёқ чоризмнинг буюк миллий давлатчилик шовинизмини кескин қоралаб, бошқа миллатлар тилининг камситилишига қарши шафқатсиз кураш олиб борган эди.

Октябрь революциясидан кейин миллий тенглик, шу жумладан, тилларнинг ҳам миллий тенг ҳуқуқлиги ҳақида доҳий принциплари аста-секин ўз ифодасини топа бошлади, баъзи республикаларда халқ тили давлат тили сифатида конституцион кучга ҳам эга бўлди. Бироқ шахсга сажда қилиш даври бу принципларнинг оёқ ости қилинишига, миллий тилларнинг ҳар томонлама камситилишига кенг йўл очиб берди. Оқибатда миллий маданият ва маҳаллий урф-одатлар ривожи турғунликка юз тутди.

Қайта қуриш, демократия ва ошкоралик табиийки, миллий тилларга нисбатан ленинча принципларни қайта тиклашни асосий вазифалардан бири сифатида олдинга сурди.

Шундай савол туғилади: нега энди бугун бир қатор республикаларда давлат тили муаммоси бу қадар кескин ва тўлқинланиб муҳокама қилинаяпти? Республика давлат тилини алоҳида бўрттиришга бирор объектив асос борми? Бор, деб жавоб қилади файласуф олим ўз мақоласида, аввало, тилларнинг ҳар қандай тенг ҳуқуқлигида ҳам уларнинг жамиятдаги функциялари, амалий аҳамияти ва роли бир хил эмас. Ҳар бир республикада ўша миллий тил амалда алоҳида ўрин эгаллайди, асосий роль ва вазифаларни бажаради. Ана шу объектив омил қонунда, шу жумладан, Конституцияда ўз ифодасини топиши керакми? Олимнинг назарича, керак. Бунга эса тўла тенг ҳуқуқли барча тиллар орасидан давлат (расмий) тилини ажратиш туфайли эришилади.

Иккинчидан, ўтмишдаги ленинча миллат — тил сиёсати ва амалиётидан чекинишлар туфайли бир қатор республикаларда тил ўрганиш, айниқса, туб миллатга мансуб ёшлар томонидан миллий тилни ўрганиш ва фойдаланиш борасида инқироз ҳолати вужудга келиб қолди. Жумладан, саксонинчи йиллар ўрталарида Белоруссияда аслида белорус тилида ўқитиладиган бирорта мактаб деярлик қолмади, жамият сиёсий фаолиятида бу тилдан камдан-кам фойдаланилди, оилавий турмуш доирасида ҳам тил муаммоси кескин қисқарди. Ана шундай жараёнлар у ёки бу даражада Украина, Молдавия, Қозоғистон, Латвия, Литва, Эстония республикаларида ҳам давом этди. Аҳвол шу даражага етиб келгач, гуманитар зиёлилар ва студентлар орасида ўз миллий тиллари тақдири учун жиддий ташвиш ҳиссиётлари ниҳоятда кучайди. Аслида давлат тилини ажратиш тўғрисидаги таклифлар ҳам ана шу ташвишлар билан узвий боғлиқдир.

Вужудга келган шундай аҳвол республика ва маҳаллий органлардан бугунги кунда болаларни миллий тилда ўқитишнинг кенг ва реал имкониятларини яратиш ва миллий тилдан давлат ва жамоат фаолиятида кенг фойдаланиш учун қўшимча тадбирларни амалга оширишни талаб этмоқда.

КПССнинг XIX конференцияси шуни таъкидладики, СССРнинг барча гражданлари ўз она тилларини ривожлантириш ва улардан бошқа халқлар қатори тенг ҳуқуқлилик доирасида фойдаланиш, совет кишилари томонидан милатлараро муомала воситаси сифатида ихтиёрий равишда тан олинган рус тилини ўрганиш кўпмиллатли социалистик жамиятимизнинг муҳим принципидир. Шу билан бирга конференция миллий тилнинг давлат, жамият ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларидаги актив ҳаракати тўғрисида жиддий ғамхўрлик кўрсатиш, республика номи билан аталадиган тилларни шу территорияда яшовчи бошқа халқлар томонидан ўрганилишини ҳар томонлама рағбатлантириш заруриятини алоҳида қайд этди. Айни пайтда партиямиз анжумани шуни ҳам кўрсатиб ўтдики, бу зарурият ўрганиш учун тилларни ихтиёрий равишда танлашнинг демократик принципларига асло зид бўлмаслиги лозим. Бу кўрсатмадан қуйидаги хулоса келиб чиқади: конституцион кучга кирган давлат тили «тил шовинизми» позициясини эгаллаб олмаслиги шарт. Бизнинг назаримизда, рус тили бутун мамлакатимизда миллатлараро муомала тили сифатида СССР Конституциясида ўзининг қонуний ифодасини топиши мақсадга мувофиқдир. Шундай қилинганда миллий ва интернационал якдиллик амалий ҳаётимизда уйғун ҳолатни кашф этган бўлур эди.

Пировардида муаллиф ўз фикрларига шундай якун ясайди: демак, социализм шароитида давлат тилининг демократик ва интернационал моҳияти шундаки, республика аҳолиси томонидан кенг фойдаланиб келинаётган тил расмий муомала воситасидир. У амалий фаолиятимизда фойдаланилади ва давлат ҳамда жамоат органлари, халқ маорифи, маданият, фан, хизмат, ишлаб чиқариш тармоқларида шу тилда иш юритилади. Республика шу тилнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланишини таъминлайди, ўз ҳуқуқий ҳимоясига олади, унинг ривожланиши юзасидан алоҳида ғамхўрлик кўрсатади. Аммо тилнинг давлат статуси шу тил учун махсус имтиёзлар яратилади, деган гап эмас, у меҳнаткашларнинг бошқа миллат тилларидан фойдаланиш ва ўз миллий тилларини ривожлантириш борасидаги ҳуқуқларини асло поймол қилмаслиги керак.

Савол-жавоб

## *Марҳамат, сўрайверинг...*

**С. СОБИРОВ: Электр қувватидан фойдаланишда танишим хатоликка йўл қўйибди. У счётчикни ҳисоб қилишини тўхтатиб, бир неча ой электрдан бепул фойдаланибди. У илгари ҳам бундай тартибни бузишда ушланиб огоҳлантирилган экан. (Маъмурий жазо қўлланилган). Энди уни жиноий жавобгарликка тортишмоқчи, шу тўғрими?**

**Жавоб:** Ҳа, тўғри. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 118-моддасига мувофиқ рўзғорда ғараз мақсадларни кўзлаб электр ёки иссиқлик энергиясидан ёки газдан ўзбошимчалик билаан фойдаланганлик, улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳоллари бундай хатти-ҳаракатлар шундай қилиш учун маъмурий жазо чораси (жарима солинган бўлса) қўлланилгандан кейин содир этилган тақдирда ёки жиддий зиён етказилишига олиб келса, икки йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки шу муддатга ахлоқ тузатиш иши бериш билан ё бўлмаса уч юз сўмдан бир минг сўмгача миқдорда жарима билан жазоланиши белгиланган.

⊙

**С. БОТИРОВ: Мен олий ўқув юртида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқийман. Диплом иши ёзмоқчиман. Айтингчи, отпуска муддати неча ойни ташкил қилади? Иш жойидаги ҳақ бу вақт учун қандай тўланади?**

**Жавоб:** Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганлар диплом ишларини бажариш ва уни ҳимоя қилиш учун отпуска олиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай отпусканинг муддати ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчилари учун 2 ой, олий ўқув юртларининг студентлари учун — 4 ой. Бунда олий ўқув юртларида ўқиётганларга ўртача ойлик иш ҳақи, лекин ойига кўпи билан 100 сўм миқдорида, ўрта махсус ўқув юртларида ўқиётганларга ойига кўпи билан 80 сўм миқдорида пул тўланади.

Маъмурият тегишли ўқув юртларининг тавсияси билан олий ўқув юртларида ўқиётганларга, уларнинг танлаган ихтисоси бўйича бевосита ишлаб чиқаришнинг ўзида танишишлари ва диплом ишига материаллар тайёрлашлари учун иш ҳақи сақланмаган ҳолда қўшимча бир ойлик отпуска бериш ҳуқуқига эга.

⊙

**М. АНОРОВ: Мен «Узлегэнерго» саноатига қарашли корхонада ГАЗ—53 маркали машинада ҳайдовчи бўлиб ишлайман. Аввал менга жами бўлиб 21 иш куни муддати билан отпуска бериларди. Айтингчи, машина ҳайдовчиларига отпуска муддати қонунда қандай белгиланган?**

**Жавоб:** СССР меҳнат ва социал масалалар Давлат комитети ва ВЦСПС Президиумининг 1974 йил 25 октябрь 298/II—22 сонли қарори билан тасдиқланган рўйхатида кўрсатилишича, 1,5 тоннадан 3 тоннагача оғирликдаги ҳажмда юк кўтарадиган автомашина ҳайдовчилари учун отпускасига қўшимча 6 иш куни, 3 тонна ва ундан ошиқ оғирликдаги ҳажмда юк кўтарадиган автомашина ҳайдовчилари отпускаларига қўшимча ҳақ тўланадиган 12 иш куни белгиланади.

Сизга ҳам ушбу қоидага риоя қилингани ҳолда отпуска берилиши керак.

**А. ҲАСАНОВ,**
**ҳуқуқшунос.**

Донобува даврасида

# Кексалик — умр ниҳояси эмас



ҲАММА фарзандларини уйлантириб, эгасига «топшириб» тинчиган Ражаб бобо тўсатдан ётиб қолди: наҳотки юракдаги сўнгги дард билан оламдан кетса? Ҳа, уни ўғли Исломжоннинг оилавий тақдири қийнарди. Кенжаси ҳанузгача бефарзанд эди. Ниҳоят у Севар момони чақириб кичик келиннинг аҳволи билан қизиқди. Жавобдан қониқди шекилли, «ҳайрият» дея беозоргина абадий уйқуга кетди.

Бобо фарзандларига васиятида «Овоз чиқармайсизлар», Севар момога «Кўк киймайсан, мен ҳамма ниятимга етдим», деб кўз юмган эди. Қария сўнгги дарддан ҳам дариғ бўлиб оламдан ўтди.

Кексалик — умрнинг доно даври. Аммо шундай боболар ҳам борки, кексайганда инжиқ бўлиб қолади. Халқ ибораси билан айтганда жуда хунук қарийди. Биз сағал нарса иззат нафсига тегиб кетаверадиган, хонадонда якка «хўжайин»ликка интилувчи қарияларни ҳам кўп учратганмиз. Улар оилада ҳамма унинг измида бўлишини хоҳлайдилар. Тўғри, кексанинг одил амри вожиб. Аммо ҳар нарсага бўлса-бўлмаса аралашавериш кекса донолиги эмас, инжиқлигидир.

«Октябрь» массивида яшовчи Иноят бобо ўғли Каримжонни жон-ҳолига қўймасдан ўз ўртоғининг қизига уйлантирди. Тўй дабдаба билан ўтди. Ўғил ҳам отанинг гапини икки қилмай Муаттарга «кўнгил» қўйди. Муаттарлар оиласи фолбинлик, дуохонлик билан пул топишни касб қилиб олган экан. Шуми ёки бошқа нарса сабаб бўлдими, икки эркак қуда чиқишмай қолишди. Қариганда икки кекса ўртасидаги дўстлик ипи узилди. Ота ўғлига хотинингни қўй, мен сенга остона ҳатлаб кўчага чиқмаган қиз олиб бераман, деб оёқ тираб туриб олди. Қосимжон ялинди, ёлворди, эрта-индин неварали бўласиз, деб қайсар ота олдида кўп марта бош эгди, бироқ ҳаммаси беҳуда кетди. Охир-оқибат ота ўғилни «оқ» қилиб, ҳар икковини уйдан ҳайдаб чиқарди. Эр-хотин ойига 60 сўмдан ижарага квартира олиб яшай бошладилар. Ниҳоят кутилган чақалоқ дунёга келди: ўғил! Севинчи ичига сиғмай Қосимжон уйга югурди. Лекин бу хушхабарни эшитиб хурсанд бўлиш ўрнига саксондан ошган ота, хотинингни қўй, деди. Бу ҳам камлик қилгандай чол ижарадаги уйга бориб, келинини ҳақоратлашга, ўғлини эса «Хотининг енгилоёқ» деб гиж-гижлашга тушди. Оқибатда турмуш бузилди. Ёлғиз невара тирик етим қолди. Хўш, кексаликнинг бу хунук феъл-атворини оқлаб бўладими?

Баъзан айрим кексаларимиз «Ёшлар ота-онага бемеҳр бўлиб боришаяпти» дея нолиб юришади. Лекин кўп ҳолларда кексаларимиз қилмишларини сарҳисоб қилиб кўриб, ўзларига ҳисоб бермайдилар.

Мана бир мисол. Қачонлардир Нормуҳаммадни еру кўкка ишонмайдиган Анзират хола ёши қайтгач, эри унга «пуф, сассиқ» бўлиб қолди. Асли бухоролик Нормуҳаммад «да» ўрнига «га» ишлатгани яъни «бу нарса магазинга бор» қабилида Бухоро шевасида гапиргани учун кампир уни ёқтирмай қўйганди. Эр хотинининг «қишлоқи», «келгинди» каби дашномларига тишини тишига қўйиб чидаб, армия сафидаги фарзандлари қайтгунча дош беришга аҳд қилганди. Аммо эски кийимларда ҳовлида ер ковлаётган эрни кўриб хотинининг чакаги яна очилди, бу гал у «жандадан бошинг чиқмагур қишлоқи, номусларга ўлдирдингку, йўқол уйимдан» дея чолни рўй-рост ҳайдади. Нормуҳаммад ота она юрти Навоий шаҳрига жўнаб кетди.

Шу орада солдат фарзандлар уйга қайтиб биринчи навбатда отани сўрашди. Она «кетиб қолди» деб қўяқолди ва оёғи синиб, ТошМИнинг травматология шифохонасига тушгани, ҳеч ким ҳолидан хабар олмагани ҳақида йиғлаб-сиқтаб гапириб берди, бироқ эрини ўзи уйдан қувлаганини яширди. Ойни этак билан ёпиб бўлармиди, қўни-қўшнилар воқеани оқизмай-томизмай гапириб беришди. Ака-уканинг ғазаби жунбушга келди.

— Эҳ, қариб қуйилмаган кампирей, — деди катта ўғли, — ахир, қайси даврда яшаётганлигимизни наҳотки тушуниб етмаётган бўлсангиз, ойижон? Қачонгача «бу — наманганлик, бу — қашқадарёлик, бу — қишлоқи, бу — шаҳарлик», деб бир-бирларимизни камситиб юрамиз? Ҳаммамиз аслида бир аждод фарзандларимиз-ку! Океанлар оша халқлар бир-бирларига қўл чўзиб, дўстлашиб, иноқлашиб кетаётган бир пайтда, наҳотки, биз ўз оиламизда тинчлик ўрнатолмаймиз?

— Гап шу, ойи, — деди кенжа ўғил қатъий, — биз Бухоронинг шаҳар, қишлоқларини кезиб отамизни топиб келамиз, лекин сиз бу хонадонни тарк этасиз. Гап шу, вассалом...

Кенжа фарзанд айтганини қилди, ота оилага қайтди, она ҳам уйдан кетмади, кетолмасди ҳам. Аммо Анзират хола ҳамон гап билан «қишлоқи» эрни ғажиб, ўғилларини «тошмеҳр»ликда айблаб юрибди.

Азизларим, биз — кексалар ҳаётда омонат, ёшлар учун табаррукмиз. Бироқ нуронийликнинг ўзига хос масъулияти ҳам бор. Агар фарзандлар наздида ҳамиша табаррук бўлиб қолай, ҳурмат-эътиборимиз жойида бўлсин десак, панду насиҳатларимиз ҳам, қилиқ-қилмишларимиз ҳам тош босадиган бўлмоғи лозим. Биз аҳиллик оламининг йўлчи юлдузи, нурли чароғбонларимиз. Тўғрими?

**Донобувага Н. АБДУЛЛАЕВ ва М. ОБЛАҚУЛОВ котиблик қилишди.**

Кулги—хушчақчақлар мулки

# Хаёлпараст ҳикоялари

**Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, таксига ўтиришимни биламан, бирдан, ёпирай, осмону фалакка кўтарилиб кетибмиз. Оҳ, роҳатижон, худди арғимчоқда учгандай такси тушмагур қилт этмайди-я! Анчадан кейин мундоқ пастга қарасам, Сағбон кўчасида кетаётган эканмиз. Асфальтнинг текислигидан менга машинамиз учаётганга ўхшаб туюлибди.**

**Вой-дод, ўзимизнинг биллурдай силлиқ Тошкент кўчаларидан ўргилиб кета-ей!**

⊙

**Кеча, денг, ишхонада командировкага жўнайсан, деб туриб олишди. Мана, ҳозир кооператив таксига ўтириб аэропорт томон эринибгина жўнаяпман. Йўлда кетяпману, ишқилиб, аэрокассада билет бўлмасинда, деб орзу қиламан. Қаёқда дейсиз. Залга киришим билан кассир қизлар соф ўзбек тилида «Марҳамат, билет тайёр, самолёт шундай остонада кутиб турибди» дея навбатма-навбат микрофонда чақиришар, тилларидан бол томарди. Эҳ, қизалоққиналарей, командировкага ҳушим йўқ, шу булбулигўё тилларингиздан бол ўрнига заҳар томса бўлмасмиди! Зора, билет йўқ баҳонасида шу сафардан қутулиб қолармидим...**

**Ҳой-ҳо-ой, хизмат бобида бизнинг Тошкент аэропортидан ўтадигани йўқ дунёда!**

⊙

**«Эски жува»да бўлганмисиз, бозорнинг тўрига ўтиб, бирор сих кабоб еганмисиз! Йўқ! Эҳ-ҳе, бу ердаги расталарга турнақатор тизилган кабобчиларни кўрмабсиз, дунёга келмабсиз, шу кабоблардан емабсиз, таом едим демабсиз!**

**Якшанба куни иштаҳани қайраб каминалари ҳам шу ерга келиб, тўладан келган опахонга рўпара бўлдим.**

**— Кабобнинг ҳар сихи неча пулдан!**

**— 27 тийиндан, укахоним. Биз капиратибмиз, укахоним. Енг, ош бўлсин, жиззали кабоб, укахоним.**

**— Жуда арзонку, опажон!**

**— Нимаси арзон! Ҳар сих устига 3 тийин қўшиб сотаяпмизку!**

**— Қачонлардир ҳар сих кабоб 50—55 тийиндан эди...**

**— Э, у замонлар ўтиб кетди, ука. Одамларни алдашнинг не ҳожати бор! Биз виждон эмас, кабоб сотамиз, укахоним. Мана, сарҳисоб қилиб кўринг: коопторгдан бир кило мол гўштини беш сўмдан олиб, ундан 22 сих кабоб тайёрлаймиз. Кабобнинг ҳар бирини 27 тийиндан сотсак ҳам чўнтагимизга бир кило гўштдан 66 тийин қолади. Одамлар кунига 20 килограмм гўштни кўрдим, демайди. Ўша ўтиб кетган замонларда беш сўмдан беш сўм фойда қолаверарди. Ҳозир ука, ҳамма виждонидан чўчиб қолди. Ҳаром-ҳариш билан бола-чақа боқиш бизларга ярашмайди энди...**

**Шу ерда шодлигимдан бақиргим келди:**

**— Ҳой одамлар, кооператив кабобхонада энди виждон сотилмайди. Кеп қолинглар, еб қолинглар!**

**Хаёлпараст ҳикояларини А. НУРБЕК таҳрир қилди.**

Рассом табассуми



**Сўзсиз сурат.**




**— Мени навбатсиз ўтказиб юборинглар, иситмам 40 градус.**

**А. Ҳакимов расмлари.**

